
Кўчатчиликдан бахт ва фаровонлик топган оила

“Нурсух” маҳалла фуқаролар йиғинининг Юқори маҳалласида яшовчи Абдуллажон Мамажонов ҳам томорқадан фойдаланишда ўзига хос тажрибага эга соҳибкорлардан.

Бу йил 72 ёшни қаршилаган миришкор отахон турмуш ўртоғи билан 5 нафар фарзандни вояга етказиб, уйли-жойли қилган. 11 нафар набира ва беш эваранинг суюкли бобоси ҳозирда ҳам 3 сотихли томорқасидан ҳар йилги мавсумда муносиб даромад олиб келмоқда.

“Иссиқхона усулида помидор, бодринг, қалампир, булғор қалампири, райҳондан тортиб яна кўплаб кўчат турларини етиштирамиз. Кўчат мавсуми декабрдан бошланиб, май ойига қадар давом этади. Баҳорда уйимиздан харидорларнинг қадами узилмайди”, дейди Абдуллажон ота Мамажонов.

Батафсил: [видео](#)

2023-03-30 00:19:37